



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 22 - avgust

2470 -son

Bog‘ot shaharchasi

Boğot tumani ҳокимининг 2020 йил 25 сентябрдаги 2066қ-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида

Boğot tumani “IBROXIM M ELITA HOUSE” МЧЖга қарашли “Ашхобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Обод” маҳалла фуқаролар йиғини биносини қуриш эвазига берилган ер майдонини ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимининг 2020 йил 25 сентябрдаги 2066қ-сонли қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил февраль ойидаги сўровномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Boğot tumani ҳокимининг 2020 йил 25 сентябрдаги 2066қ-сонли қарорининг иккинчи ва учинчи бандларига қуйидагича ўзгартириш киритилсин;

- ушбу қарордаги “Ашхобод маҳалласи ҳудудидан” сўзлари “Пахтаобод маҳалласи ҳудудидан” деб, иккинчи ва учинчи бандидаги “2100 квадрат метр” сўзлари “3500 квадрат метр ер майдони “Дон маҳсулотларини қайта ишлаш заводи”” қуриш учун деб ўқилсин.

2. Boğot tumani ҳокимининг 2020 йил 25 сентябрдаги 2066қ-сонли қарорнинг бошқа бандлари ўзгаришсиз қолдирилсин.

3. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга ва “IBROXIM M ELITA HOUSE” МЧЖ (А.Матякубов)га етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2020 йил сентябрь ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Boğot tumani ҳокими

Ш.Яхшибаев